

Экономические науки

УДК 330.81:342

**Сайдкаримова Матлюба Ишановна**

*Иқтисод фанлари номзоди,  
«Саноат иқтисодиёти» кафедраси доценти  
Тошкент давлат техника университети*

**Сайдкаримова Матлюба Ишановна**

*кандидат экономических наук,  
доцент кафедры «Экономика промышленности»  
Ташкентский государственный технический университет*

**Saidkarimova Matlyuba**

*Candidate of Economic Sciences,  
Associate Professor of the Department of «Economics of Industry»  
Tashkent State Technical University*

**Якубова Махтума Асадуллаевна**

*«Саноат иқтисодиёти» кафедраси ассистенти  
Тошкент давлат техника университети*

**Якубова Махтума Асадуллаевна**

*ассистент кафедры «Экономика промышленности»  
Ташкентский государственный технический университет*

**Yakubova Makhtuma**

*Assistant of the Department of «Economics of Industry»  
Tashkent State Technical University*

## **“ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ” ФАНИ ДАРСЛАРИДА ДЕБАТЛАР ЎТКАЗИШ**

**ПРОВЕДЕНИЕ ДЕБАТОВ НА ЗАНЯТИЯХ ПО КУРСУ**

**“ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ТЕОРИЯ”**

**CONDUCTING DEBATES ON ECONOMIC THEORY CLASSES**

**Аннотация.** Мақолада “Иқтисодиёт назарияси” фани дарсларида дебатлар үтказиши қоидалари ва усуллари көлтирилгән.

**Калитли сұзлар:** дебат, мунозара, баҳслашув, тасдиқлаш, имо-ишира, баҳслашув қоидалари, баҳслашув маданияти.

**Аннотация.** В статье рассмотрены правила и методы проведения дебатов на занятиях по курсу “Экономическая теория”.

**Ключевые слова:** дебаты, спор, обсуждение, обоснование, жестикulation, правила обсуждения, культура обсуждения.

**Summary.** The artic is considered the rules and methods of conducting of debates on economic theory classes.

**Key words:** debates, dispute, discussion, justification, gestification, discussion rules, discussion culture.

Дебат (ингл.debate, debating) – баҳслашув усули бўлиб, унда томонлар у ёки бу масалага ҳар хил нуқтаи назардан ёндошиб, учинчи томонни ўзларини фикрларини тўғрилигига ишонтиришdir. Қадим замонларданоқ икки кишини фикри бир-бирига тўғри келмаганида улар ўртасида тортишув пайдо бўлган. Аҳир инсон учун тортишув бу одатий ҳолдир. Маълумки, хақиқат айнан тортишув натижасида пайдо бўлади. Фикрлар тўқнашганда эса объектив билимлар ҳосил бўлади. Дебатлар үтказишнинг, ютган ёки ютқазган томонлар хақида қарор қабул қилиш тўғрисида ўз қонун-қоидалари мавжуд. Ҳозирги кунда дебатларнинг асосий тамойили – бу қўпчиликни фикрини рўёбга чиқариш, лекин камчиликни хақ-хуқуқуни сақлаб қолган ҳолда албатта. Аммо лекин ўша қўпчилик ким? Ким жамият ишончини оқлайди? Шу сабаб яна тортишув, баҳс, мунозара, дебат.

Тадқиқотчи Ж.Т.Диллон томонидан ўқитувчи изланувчанлик ва ҳамкорликка асосланган тарзда мунозарани ташкил этиши учун қуидагиларга эътибор бериши лозимлиги кўрсатилган:

**1. Тасдиқлаш.** Мунозарани бошқарувчи шахс маълум муаммони тасдиқловчи ёки инкор этувчи ғояни ўртага ташлайди. Бу билдирилган фикрдан таъсирланиб, уни тушунганлик ва тушуна олмаганликни тасдиқлаш усули. Ўқитувчи мунозарани синчковлик билан кузатиши ва бошқариши зарур.

**2. Саволлар.** Талабалар ўқитувчининг саволидан ташқари курсдошлари саволларини муҳокама қилишга мойил бўлишади. Шунинг учун кўпроқ уларни савол беришга ундаш мумкин.

**3. Ишоралар.** Мунозара жараёнида ўқитувчи гапираётган талабани фикрини бўлмаслик ёки бўғиб қўймаслик учун овоз чиқармай, имо-ишоралар билан бошқариши маъқул.

**4. Сукут сақлаш.** Мунозара учун ўртага савол ташлангач, уни ўйлаш учун вақт берилади. Лекин бу вақт қисқа бўлиши, уни ўқитувчи тўлдириши зарур.

Бахсларни самарали ўтиши, албатта, уларнинг олдиндан қандай тайёрланганлигига боғлиқ. Биз қуида бахсларга тайёргарлик кўришда эътибор қаратилиши керак баъзи бир босқичларни ажратиб кўрсатмоқчимиз: баҳс мавзусини танлаш ва уни тасдиқлаб олиш; тарбиявий вазифаларни аниқлаб олиш; олдиндан баҳс мавзусини эълон қилиш ва баҳс давомида муҳокама қилинадиган саволларни белгилаб кўйиш; ўқувчиларни баҳс давомида муҳокама қиладиган саволларини тўлароқ ёритишга ёрдам берадиган қўшимча материалларни тўплаш; баҳсни ўтказиш учун масъул ва бошловчиларни тайинлаш; баҳс ўтказиладиган жойни жиҳозлаш; баҳслашиш қоидаларини рангли, кўргазмали этиб тайёрлаш.

Баҳс қатнашчилари баҳсни ўтказиш ва унда ўзларини тута билиш, бошқара олиш тўғрисидаги қоидалар билан олдиндан ёки баҳс мобайнида танишиб олишлари керак. Улар қуийдаги бўлиши мумкин: мунозара – ўзаро муносабатларни аниқлаш шакли эмас, балки муаммоларни ҳал қилиш методидир. Шунинг учун шахсий муносабатлар намоён этилмайди; кўп гапирманг, бошқаларни ҳам ўз фикрини айтишига имкон беринг; фақат ҳаяжонга солаётган, ишончи комил бўлган фикрларни баён этишга ҳаракат қилиш, билмаган, ишонмаган фикрлар билан баҳслашмаслик; кимнингдир фикрига қўшилмаса, уни фикрини масхараламай, унинг устидан кулмай, ҳатосини айтмай ҳақгўйлик билан баҳслашиш; одоб билан эътиroz билдиринг. Айтилган фикрни бузиб, маъносини ўзгартирманг. Асабий рад этмаган ҳолда, ўз фикрингизни одилона асосланг; баҳслашув вақтида қўлларни ҳар томонга ўйнатмасдан, овозни баландмасдан, бақирмасдан гапириш. Агар бошқаларни ўз фикрингга ишонтиromoқчи бўлсанг, уларни сенинг фикрингга қўшилишларини истасанг, унда сен ўз фикрингнинг исботига, албатта, аниқ далиллар, мисоллар келтиринг; фақат мунозара мавзусига оид фикрни айтинг. Ўзингизни жуда ҳам билимдон, заковатли қилиб кўрсатишига интилманг. Агар шундай қилинса, баҳслашувда фақат кучли эканлигингни кўрсатибгина қолмай, балки маданиятли эканлигини ҳам кўрсатган бўлади.

Баҳсда муҳокама қилинадиган саволлар, муаммолар талабаларни ҳаяжонлантирадиган, замонавий, уларнинг хаёт тарзига тегишли бўлгани маъқул. Шунда, таълим муассасаларида ўтказиладиган ўқув машғулотларида ва бошқа жойларда гапиришдан қўрқадиган, уяладиган талабалар мана шундай баҳслар давомида бемалол ўз фикрларини баён эта олишлари мумкин.

“Иқтисодиётназарияси” фани дарсларида баҳсни қуийдаги мавзулар бўйича ўтказиш мумкин:

1. Бозор иқтисодиёти – неъматми ёки зулм?

2. Давлат ахолидан ва корхоналардан солиқ йиғиши түғрими?
3. Иқтисодиётни бошқаришда давлат иштирок этиши шартми?
4. Даромадларни тенгсизлиги – яхшими ёки ёмонми?

Масалан, “Даромадларни тенгсизлиги – яхшими ёки ёмонми?” мавзудаги баҳсни ўтказиш учун қуидаги тахминий саволларни келтирамиз:

1. Даромад нима ва манбаълари қандай?
2. Нима учун ҳамма ҳар хил даромад олади?
3. Давлат ҳаммага олинган даромадни тенг бўлиб берса тўғри бўладими?
4. Давлат даромадларни тақсимлашдаги иштироқи (хаддан ташқари кўп ёки кам аралашиши) қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?

Машғулот мавзуси олдиндан эълон қилинади. Ўқитувчи дастлаб ўқувчиларни машғулот ўтказиш тартиб-қоидалари билан таниширади ва уларни кичик гурухларга ажратади (ўқувчиларни ҳохишига қараб ҳам гурухлар тузиш мумкин). Ҳар бир гурух саволлардан бирортаси танлаб олиб, сўзга чиқишига тайёргарлик кўради. Улар ўзлари танлаб олган савол юзасидан ўз тушунчалари, ёндошувлари, муносабатлари, ҳамда жавобларини беришда ўзларининг эгаллаган холатлари қанчалик тўғри эканлигига қолган талabalарни ишонтиришга харакат қиладилар. Ўқитувчи кўрсатмасига биноан, бошқа кичик гурух аъзолари айтилган фикр ва мулохазаларга қарши фикрлар айтади, яъни сўзга чиққан талабани уни гурухини танлаган йўлини рад этадилар ва шу орқали уларни баҳс-мунозарага, тортишувга ундейдилар.

Баҳс-мунозара якунида ҳар бир сўзга чиққан кичик гурух бошқа кичик гурух аъзоларини ўзларини тортишувдаги фикрлари, танлаган холатлари, далил ва исботлари қанчалик тўғри эканлигига уларни ишонтира олишлари ва ўз томонларига оғдира олишлари, иложи бўлса

уларни ўз гурухларига қўша олишлари керак. Машғулотни охирида ўқитувчи якун ясади ва баҳс-мунозара бўйича ўз фикрини билдиради. Баҳсни ёзма усулда ҳам ўтказиш мумкин. Талабалар баҳс мавзуси бўлиши керак бўлган мавзу билан уйда ёки олдин ўтказилган машғулот пайтида танишадилар. Баҳс арафасида ўқитувчи бўлажак мавзу тўғрисида талабаларга ахборот беради ва қай йўсинда ўтишини қисқача тушунтиради.

Рахбар гурухни иккига ажратиб, уларни ўқув хонанинг икки томонига ўтқизади ва қайси гурух қайси нуқтаи назарни ҳимоя қилишларини белгилайди. Масалан, “Бозор иқтисодиёти – неъматми ёки зулм?” мавзусида 1-гурух иштирокчилари ижобий холат тарафдорлари, 2-гурух аъзолари эса бунга қаршилари. Сўнг раҳбар ўқувчилар жуфтлайди, ҳар бир жуфтликда қарама-қарши қарашлар тарафдорлари бўлишлари шарт. Жуфтларни тартиб рақами ёки алифбо ҳарфлари билан белгилаймиз. Агар ўқув хонасида ўқувчилар сони тоқ бўлса, ўқитувчи мунозарага етишмаган шерик хуқуқида қатнашиши мумкин. Ўқитувчи 1-гурух ўқувчиларига хар бири жуфт санаси билан белгиланган катак қоғоз варакларини тарқатади. Талабалар ўқув хонасининг икки томонида ўтириб, жуфтма-жуфт ёзма мулоқотни бошлайдилар. 1-гурух аъзоларига ўзлари маъқуллаётган нуқтаи назар фойдасига битта очик далилни шакллантириш учун 5 дақиқа вақт берилади. Улар бу далилни қоғоз варагига пухта таҳрир қилинган параграф шаклида ёзадилар. Бу вақтда 2-гурух иштирокчилари ўзлари баҳс жараёнida баён этишлари мумкин бўлган нуқтаи назарларини исботлашлари мумкин. Ёзилган вараклар қарши гуруҳдаги шерикларга берилади. Улар жуфт бўйича шерикларининг далилларига қарши жавоб топиш ва баён қилишлари учун 8 дақиқа вақт берилади. Далиллар алмashiшнинг бундай тартиби 2-3 маротаба такрорланади, бунда ҳар бир талаба шеригининг далил-исботига жавоб қайтариши ва ўзининг акс

далилини келтириши шарт. Талабаларнинг билимларини аниқлаш учун 3-4 раунд етарлидир. Охирги раундда талабаларга якуний фикрни билдиришга имкон берилади ва шундан сўнг ёзма иш йифиб олинади. Бахсларни якун чиқаришнинг яхши шакли – иккала томонга қаратилган саволдир: “Қарши томоннинг энг яхши далили-исботи қайсилари бўлди?”, “Бу далиллар сизнинг фикрингизни ўзгаришига таъсир этдими?”

Яна бир усули – **кичик гурӯхларга** бўлиб. Масалан, давлат бюджетини қабул қилишда депутатларни фракцияларда муҳокама қилиши. Бунда ўз фикрини асослаш учун муҳим далиллар келтириб бошқа фракция аъзоларини ҳам ўз фикрларига овоз беришга мойил қилишга интилишади.

Яна бир усул – **қарама-қарши мунозара** бўлиб, уни талабаларни ўзи олиб боради, ўқитувчи эса мунозара олиб бориш учун савол тайёрлаб, дарсни ташкил қиласди. Қарама-қарши мунозарада қўйилган саволга зид фикр, жавоб айтилади. У гурӯх ўртасида муҳокама қилинади. Ҳар бир талаба “ҳа” ёки “йўқ” жавоб бериши ҳамда ўз фикрини асослаши керак. Масалан: Хукумат импортга тўсиқлар қўйиши керакми?

Талабалар тарафдор ва қаршилар гурӯхларига бўлинади. Ўқитувчи доскани иккига бўлиб, бир тарафига “Ҳа”, иккинчи тарафига “Йўқ” деб ёzádi. Талабалар 5-6 минут давомида жавобларини муҳокама қилиб, жадвални керакли устунига ёзишади. Масалан, жадвал қўйидаги кўринишда бўлиши мумкин:

Xa	Йўқ
Тўсиқ қўйиш зарурлиги сабаблари:	Тўсиқ қўймаслик зарурлиги сабаблари
Мамлакатни ўзида ишлаб чиқариш ва аҳоли бандлигини таъминлаш лозим	Ҳалқаро меҳнат тақсимоти ютуқларидан фойдаланилмайди
Миллий хўжалик тармоқларини ҳимоя қилиш	Миллий ишлаб чиқарувчилар харажатларни пасайтиришга, янгиликларни жорий қилишга интилмайдилар
Чет эл капиталини жалб қилиш	Миллий ишлаб чиқаришнинг
Чет эл фирмалари томонидан	

уюштирилган демпинг сиёсатига йўл қўймаслик	рақобатбардошлиги пасайиб кетади Техник, технологик қолоқликни кучайтиради
---	--

Фикрлар ёзилиб, муҳокама бошланади ва унинг натижасида умумий фикрга келинади. Шу тарзда “Хукумат экспортни амалга ошириши зарурми?”, “Протекционизм ва фритредерлик сиёсати – ижобий ва салбий томонлари” каби саволларни ҳам мунозара сифатида муҳокама қилиш мумкин. Мунозара методи асосида дарснинг ташкил қилишнинг яна бир усули – **диспутдир**. Бу усулда ўтилган мавзу бўйича ўқитувчи саволлар тузиб, дарс ўтишдан 3-4 кун олдин талабаларга эълон қиласди. Талабалар тайёрланиб келгач, билимдон талабалардан ҳакамлар хайати сайланади. Улар саволларга жавоб берганларни баҳолашади, натижани эълон қилишади. Диспут якунида ўқитувчи ўз фикрини билдиради.

Мунозара методини қўллашнинг яна бир усули – **Америкача дебат**. Дебат – бу икки киши ўртасида олиб бориладиган мунозара. Бундай тарзда дарс ўтишда иккита талаба белгиланган қатъий тартиб бўйича раислик қилувчининг раҳбарлиги остида берилган савол ёки муаммо бўйича мунозара олиб борадилар. **Инглизча мунозара (дебатлар)** – мунозарагнинг бу шаклида муҳокама қилинаётган муаммо ечимиға еткизилади. Дебатларни ташкил қилишда турли усулларни қўллаш мумкин. Бу ўқитувчининг фантазияси, қўйган мақсади, маҳоратига боғлиқ. Бу мунозараларга талабалар пухта тайёрланиб, берилиши мумкин бўлган саволлар ва уларни жавобларини ўйлаб келишлари зарур. Умуман олганда, мунозара талабаларни дарсга фаол қатнашишларини таъминлайди ва ўз фикрларини ҳимоя қилишга, талабаларни баъзи янглиш фикрларга қарши курашишга, атрофдаги бўлаётган воқеаларни тушунган холда тўғри шарҳлашга, ўз фикрларда туришга, ўз вақтида қаршилик қўрсатишга ҳамда ҳар бир фикрни тўғри ёки нотўғри эканлигини аниқлаб олишга, шу

билин бир қаторда ўртоқлари билан сұхбат қилиш, баҳслашиш, ўз фикрини бошқаларга ўтказа олиш, таъсир эта олиш мәданиятига ўргатади.

### **Литература**

1. Короткова И.В. Решение задач по экономической теории. – Санкт-Петербург, 2012.
2. Давыденко Л.Н. Экономическая теория. Практикум: учебное пособие / Л.Н. Давыденко, Е.Л. Давыденко, И.А. Соболенко. – 2-е изд., испр. – Минск: Выш. школа, 2010. – 288 с.